2012 йил 27 апрель, жума

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 84 (12.145)

Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Сарвар Ўрмонов (ЎзА) олган сурат

## СОЛИҚҚА ОИД БИЛИМЛАР — БОЛАЛАРГА

***Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Халқ таълими вазирлиги ва Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳамкорлигида ўқувчилар ўртасида ўтказилаётган «Солиққа оид билимлар – болаларга» кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди.***

Аҳоли солиқ маданиятини ошириш, ёшларнинг солиққа оид билимларини бойитиш мамлакатимизнинг барқарор солиқ-бюджет сиёсатини олиб боришда катта аҳамиятга эга. Мазкур йўналишда ўқув-услубий, амалий семинарлар ташкил этилиб, мактаб, коллеж ва олий ўқув юртлари учун қўлланмалар яратилмоқда. Бу эса фарзандларимизнинг ҳар жиҳатдан фаол улғайишида, давлат ва жамият олдидаги масъулиятини, ҳуқуқ ва бурчларини тушунишида муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистон Давлат солиқ қўмитаси томонидан 2009 йилдан буён ўтказиб келинаётган мазкур танлов ҳам ана шу мақсадларга хизмат қилмоқда. Кўрик-танловнинг шаҳар, туман босқичларида сараланган ижодий ишлар ўқувчилар ўртасида олиб борилаётган тарғибот ишлари яхши самара бераётганини кўрсатмоқда.

Танловда иштирокчилар давлатимиз солиқ сиёсатининг аҳамияти, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт билан ўзаро боғлиқ жиҳатларини суратлар, иншо ва слайдлар асосида намойиш этди.

Танловда Тошкент шаҳри Олмазор туманидаги аниқ фанларга ихтисослашган мактабнинг 3-синф ўқувчиси Зуҳра Мақсудованинг мавзуга доир расмлари, мазкур мактабнинг 9-синф ўқувчиси Машраббек Равшанбековнинг ҳикоялари, Бухоро солиқ касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Алишер Йўлдошевнинг иншоси, Тошкент солиқ коллежи ўқувчиси Саидакмал Шоабдужалиловнинг видеороликлари ҳакамлар ҳайъати томонидан юқори баҳоланди.

**Сайёра ШОЕВА,**
**ЎзА мухбири**

***Пойтахтимизда шундай шиор остида «TQM Uz – 2012» халқаро сифат форуми иш бошлади.***

## СИФАТ — ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ МЕЗОНИ

Тошкентда бешинчи марта ўтказилаётган ушбу форум «Ўзстандарт» стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Сифат менежерлари ва аудиторлари халқаро ассоциацияси, Савдо-саноат палатаси, «ИнтерСерт консалтинг Тошкент» масъулияти чекланган жамияти томонидан ташкил этилди.

Сўнгги йилларда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида эришилган иқтисодий ривожланиш суръатлари Ўзбекистонни дунёда жадал ривожланиб бораётган давлатлардан бири сифатида эътироф этилишига ёрдам берди. Шиддат билан ривожланаётган глобал бозор шароити маҳсулотлар, хизматлар, ташкилотлар, ходимлар ва бошқарув услубларига турли талабларни қўймоқда. Ушбу талаблар хилма-хиллигини бир сўз – «сифат» тушунчаси билан ифодалаш мумкин.

ISO 9000 стандарти ўз ичига олган талабларга корхона қандай маҳсулот чиқариши ёки қандай хизматлар кўрсатишидан қатъи назар, унинг сифатни кафолатлаш бўйича ишларни ташкил этиши ҳам мос келиши лозим. Қайси корхонада бошқарув жараёнини амалга оширишга ёрдам берадиган сифатни бошқариш тизими қайд этилган стандартлар талабларига мос келса, бу корхонанинг юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариши ёки хизматлар кўрсатишини таъминлашга қодирлигининг исботи сифатида қабул қилинади.

Шу сабабли 2007 йил 3 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасида халқаро стандартларга мос менежмент тизимини жорий этиш ва ривожлантириш дастурига биноан амалга оширилаётган тадбирлар товар ва хизматлар сифатини ошириш, иқтисодиётни янада ривожлантириш учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш, шунингдек, мамлакатимизни барқарор ривожлантириш ва унинг халқаро бозорга интеграциялашуви орқали экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган.

Форумни ўтказишдан кўзланган мақсад миллий иқтисодиётимизни янада ривожлантириш ва унинг рақобатбардошлигини ошириш, мамлакатимиз корхоналарига илғор ғоялар ва сифат менежментининг замонавий услубларини амалиётга татбиқ этишда кўмаклашиш, сифат менежментининг замонавий фалсафаси тарафдорларининг Умумий бошқарув сифати (Total Quality Management) принциплари асосида жамиятда ишлаб чиқариш ва янги одоб-ахлоқ маданиятини шакллантириш бўйича оммавий ҳаракатга мутахассислар ва аҳолининг кенг қатламларини жалб қилишга доир саъй-ҳаракатларни бирлаштириш каби долзарб вазифаларни ҳал этишдан иборат.

(Давоми 2-бетда)

***Ўзбекистонда инновацион иқтисодиётни ривожлантиришга эътибор кучайган сари илмий-техник ишланмаларни илгари суришнинг янги механизмларидан янада самарали фойдаланилмоқда. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2008 йил 15 июлда қабул қилинган «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ ҳар йили ўтказиб келинаётган Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар Республика ярмаркаси шулар жумласидандир.***

## ИННОВАЦИЯЛАР ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

**«Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси бошқаруви раиси Илҳом Ҳайдаров ЎзА мухбирига илмий ишланмалар ва инновацион технологияларни соҳага жорий этиш ишлари қандай амалга оширилаётгани ҳақида сўзлаб берди.**

– Ҳозирги шароитда инновацион фаолият иқтисодиётни жадал ривожлантиришнинг асоси бўлиб, унинг юқори даражада рақобатбардошлигини таъминламоқда, – дейди И.Ҳайдаров. – Инновациялар таъсирида иқтисодиёт тузилмалари такомиллашмоқда. Негаки, ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги ошаётгани ҳисобидан уларнинг айримлари бошқа йўналишларга жалб этилмоқда.

Ўзбекистонда ишлаб чиқариш тузилмасида илмталаб ҳамда экспортбоп маҳсулотлар улушини кўпайтириш имконини берадиган замонавий илмий ютуқлар ва истиқболли инновацион технологияларни жорий этишни жадаллаштириш ўрта ва узоқ муддатли истиқболда саноатни ривожлантиришнинг устувор йўналиши ҳисобланади. Бу, айниқса, ҳар доим инновациялар ривожланишини рағбатлантирувчи секторлар бўлган тўқимачилик ва тикувчилик-трикотаж саноати маҳсулотлари ҳамда технологияларига тааллуқлидир.

Айни пайтда мамлакатимиз енгил саноати ривожланиш борасида сифат жиҳатидан янги босқичга чиқмоқда. Анъанавий ва эскирган технологиялар ўрнини кам меҳнат сарфлаб, катта самарадорликка эришиш, маҳсулотлар сифати ва уларга ишлов бериш стандартларини кучайтирадиган янги технологиялар эгалламоқда.

Даставвал бу технологиялар анъанавий соҳа – кийим-кечак ва уй-рўзғор буюмларини ишлаб чиқаришга тааллуқли бўлган бўлса, айни пайтда техник янгиликлар енгил саноатнинг деярли барча бўғинларида қўлланилмоқда. Кўпинча, бу борада анъанавий тўқимачиликдан одатдаги шаклда эмас, балки бошқа турли материаллар билан уйғун равишда янгича йўсинда фойдаланилмоқда. Бунинг натижасида тармоқлараро янги алоқалар, ресурсларни самарали қўллаш бўйича сифат жиҳатидан янги даражага ўтиш, маҳсулот яратиш ҳамда бозор эҳтиёжларини қаноатлантириш имконияти пайдо бўлмоқда.

Корхоналаримизнинг инновацион сиёсати асосий мақсад – истеъмолчиларнинг сифатли, янги авлод маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини янада тўлиқ таъминлаш, уларни ишлаб чиқиш ва тайёрлаш харажатларини камайтиришга эришиш асосида ташкил этилмоқда.

Замонавий босқичда «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компаниясида инновацион лойиҳаларни бир қанча йўналишларда амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Биринчи навбатда, ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти самарадорлигини оширадиган инновация тизимини яратиш, маркетинг тадқиқотлар ва молия менежментини амалга ошириш, корхоналар бизнес-режаси ҳамда бизнес-ғояларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ускуналарнинг янги узеллари, нархи ва сифати бўйича рақобатбардош материаллар ҳамда буюмлар (матолар, либослар, тиббиёт воситалари) яратиш параметрларини ишлаб чиқиш бўйича катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон табиий толалар илмий-тадқиқот институти ҳамда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти инновацион ечимларни ишлаб чиқиш ҳамда кейинчалик уларни жорий этишда асосий ҳамкорларимиз ҳисобланади.

Айниқса, ҳар йили ўтказилаётган Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар Республика ярмаркалари доирасидаги ҳамкорлигимиз янада фаоллашмоқда. Масалан, ўтган йилги ярмаркада соҳа корхоналари юқорида номлари қайд этилган ҳамкорлар билан инновацион ишланмалар бўйича 11 та шартнома тузди. Бу шартномалар асосан тўқимачилик корхоналарининг техника ва технологияларини такомиллаштириш, янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқиш билан боғлиқ.

Бу галги Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар Республика ярмаркаси арафасида компания томонидан 16 та инновацион лойиҳа бўйича таклифлар ишлаб чиқилмоқда. Мисол учун, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти электр физика хусусиятлари олдиндан белгиланган матоларни ишлаб чиқариш технологиясини жорий этиш, рақобатбардош, экспортбоп кўп қатламли матолар тайёрлаш бўйича энергия тежайдиган технологиялар, устки либослар учун эшилган турли шойи иплар, креп асосида дизайни яхшиланган шойи матолар ишлаб чиқариш технологияси, тўқимачилик буюмларини чиқиндисиз олиш технологияси ҳамда бошқа лойиҳаларни таклиф этмоқда.

Шунингдек, таклиф этилаётган лойиҳалар орасида мокисиз янги тўқувчилик дастгоҳлари, табиий шойи матолари турлари, холстга ўраш учун яроқсиз пиллани қайта ишлаш бўйича юқори самарали технология, тўқимачилик саноати учун стандартлар ва бошқалар бор.

Ушбу ишланмаларнинг барчаси енгил саноат корхоналари учун қизиқарли, айни вақтда истеъмолчиларимизга ҳам фойдали бўлади, деб ўйлайман.

**М.МАМЕТОВА**
**ёзиб олди**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Қарши шаҳрида «Оиланинг давлат муҳофазасида бўлиши кафолатлари» мавзуида минтақавий давра суҳбати ўтказилди. Тадбирда Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ҳокимликлари вакиллари, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар судлари судьялари, вилоятлар прокуратуралари, ички ишлар ва адлия бошқармалари, хотин-қизлар қўмиталари, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари ходимлари иштирок этди.**

**● Фарғона вилоятининг шаҳар ва туманларидаги таълим муассасаларида «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури ижроси доирасида «Менинг мактабим – менинг фахрим» лойиҳаси асосида турли маънавий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Бағдод туманида ташкил этилган ана шундай тадбирда иштирок этган маҳалла фаоллари, ота-оналар ва кенг жамоатчилик вакиллари Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида таълим тизимини такомиллаштириш, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш борасида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар юксак самаралар бераётганини алоҳида таъкидлади.**

**● 23-28 апрель кунлари Тошкент, Жиззах, Сирдарё, Самарқанд, Наманган, Фарғона, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида полиомиелитга қарши миллий эмлаш кунлари ўтказилмоқда. Ушбу тадбирларга махсус тайёргарликдан ўтказилган 6 минг 300 нафардан зиёд шифокорлар, 16 мингга яқин эмлаш ва патронаж ҳамширалари, мактабгача таълим-тарбия муассасалари ҳамда Меҳрибонлик уйлари ходимлари жалб этилди.**

**● Гулистон шаҳридаги «Алпомиш» спорт мажмуасида белбоғли кураш бўйича ўсмирлар ва қизлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати ўтказилди. Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Белбоғли кураш федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада 1996-1997 йилларда туғилган тўрт юз нафарга яқин иқтидорли ўғил-қиз ғолиблик учун куч синашди.**

### ЖАҲОНДА

**● 25 апрелдан НАТО Косовога қўшимча ҳарбий кучларни жойлаштиришни бошлади. Бундан мақсад Сербия президентлиги учун сайлов арафасида юз бериши мумкин бўлган этник тартибсизликлардан огоҳлантиришдир.**

**● Испаниянинг Иберия авиакомпанияси учувчилар ва парвоз бекалари касаба уюшмалари томонидан иш ташлаш акцияси уюштирилиши муносабати билан ўзининг 122 та парвозини бекор қилди.**

**● Греция давлат маблағларини тежаш мақсадида Италия билан имзоланган С-27 русумли ҳарбий-транспорт самолётларини харид қилиш юзасидан тузилган шартномани бекор қилди.**

**● Кеча Индонезияда магнитудаси 5,5 балли зилзила содир бўлди.**

**● Кеча Ироқда террорчи-камикадзенинг ўзини портлатиб юбориши натижасида 10 киши ҳаётдан кўз юмди, 18 та одам тан жароҳатлари олди.**

**● Олимларнинг таъкидлашича, қаҳвани мунтазам истеъмол қилиш саратон касаллигига чалиниш хавфини олтмиш фоиз қисқартиради. Хабарларга қараганда, қаҳвадаги минерал моддалар қонда қанд моддасининг кўпайишига тўсқинлик қиладиган гармон – инсулин ишлаб чиқарилишига ижобий таъсир кўрсатади.**

**● Покистонда амалга оширилган террорчилик ҳаракати натижасида уч киши ҳалок бўлди, 30 нафар одам турли даражадаги тан жароҳатлари олди.**

**● Эквадорда автобуснинг ағдарилиши 16 кишининг ҳаётига зомин бўлди.**

**● Гаагадаги Халқаро трибунал Либериянинг собиқ президенти Чарльз Тейлорни Сьерра-Леонедаги исёнчиларни қўллаб-қувватлаш ва қурол-яроғ билан таъминлашда айбдор деб топди. 64 ёшли Тейлор жиноят кодексининг 11 та банди бўйича айбланмоқда.**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Миллий матбуот марказида ирсий ва туғма касалликларнинг олдини олиш, соғлом фарзандни дунёга келтириш, скрининг марказлари фаолиятини янада такомиллаштириш борасидаги устувор вазифалар ижросига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

✓ **ЭРТАГА** Ўзбекистон Фанлар академияси бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси томонидан соҳада фаолият юритаётган меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари орасида оммавий спортни янада ривожлантириш, уларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам равишда шуғулланишларини кундалик турмуш тарзига айлантириш, оилаларда соғлом турмуш тарзини олиб боришларини таъминлаш мақсадида оилавий спорт мусобақалари ўтказилади.

✓ **КЕЧА** Юнусобод машинасозлик касб-ҳунар коллежида давлат идоралари ва тегишли ташкилотлар вакиллари ва ўқувчилар иштирокида «Ёшларни ёт ғоялар ва турли иллатлар таъсиридан асраш — мақсадимиз!» мавзуидаги тадбир бўлиб ўтди.

*«...ҳар қайси мурожаатнинг ортида тирик жон турибди, уларда кимнингдир арз-доди, керак бўлса, дарди, айрим амалдорлар томонидан йўл қўйилган адолатсизлик турганини ҳеч қачон унутмаслик лозим».*

*Ислом КАРИМОВ*

# МУРОЖААТ ОРТИДА ИНСОН МАНФААТИ

**Юртбошимизнинг юқоридаги сўзлари замирида чуқур маъно бор. 26 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда ўтказган семинари ҳам «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари: ижроси ва уни такомиллаштириш масалалари» мавзусига бағишланди.**

Семинарни қўмита раиси Акмал Саидов кириш сўзи билан очиб, «Президентимиз Ислом Каримов 2012 йил 16 март куни Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги маърузасида фуқароларнинг давлат идоралари ва уларнинг раҳбарларига мурожаатлари ҳақида тўхталиб қуйидаги фикрларни билдирган эди: «Тошкент шаҳрида фуқароларнинг давлат идораларига мурожаатлари, шикоят ва аризаларига муносабат масаласида ҳам камчиликлар йўқ эмас. Албатта, бундай мурожаатлар белгиланган тартибда кўриб чиқилмоқда, уларга жавоб ҳам берилмоқда. Лекин таҳлиллар баъзан шаҳар ва туман ҳокимликлари мутасаддилари томонидан бу масалада сансалорлик ва расмиятчилик, камчиликларни ўз вақтида бартараф этмасдан, айбдор мансабдор шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўрмаслик ҳолатларига йўл қўйилганини кўрсатмоқда». Фуқароларнинг мурожаатларига раҳбарларнинг алоҳида эътибор билан ёндошиши масаласи айнан Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида кўтарилгани учун қўмита ушбу семинарни Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида Тошкент шаҳар ҳокимлигининг мажлислар залида ўтказилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди» дея таъкидлади.

Мамлакатимиз тараққиётининг асосий омилига айланган Конституциямизнинг бир қатор моддаларида бу муҳим масала акс этган. Масалан, унинг 2-моддасида «Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар» дея қатъий белгилаб қўйилган. Ёки, 35-моддасида «Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт»лиги ҳам белгиланган. Айнан мана шу конституцион норма, яъни конституцион ваколатлари орқали фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларининг ҳимоя қилинишига эришишади.

Айтиш керакки, фуқароларнинг давлат органларига, муассасаларига мурожаатлари ёки уни кўриб чиқиш соҳасидаги муносабатлар 1994 йил 6 майда ва 2002 йил 13 декабрда янги таҳрирда қабул қилинган «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тартибга солинади. Ушбу қонун нормаларига амал қилиш ва оғишмай бажариш учун Республика бошқаруви ва ҳокимият органларининг деярли барчасида «Фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш» Тартиби (Йўриқнома, Низом, Қўлланма ва бошқалар) мавжуд. Демак, бу муҳим масаланинг ҳуқуқий асослари яратилган. Тегишли қонун ва қонун ости ҳужжатлари қабул қилинган.

Семинарда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг фуқаролар мурожаати билан ишлаши: тажриба ва уни янада такомиллаштириш масалалари», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг фуқаролар мурожаатлари билан ишлашининг ўзига хос жиҳатлари тўғрисида» каби мавзуларда маърузалар қилинди. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар, Адлия вазирликлари, Бош прокуратураси, Олий суди ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилот ва идораларнинг фуқаролар мурожаатлари билан шуғулланувчи мутасаддиларининг ахборотлари тингланди.

Тадбирда Қонунчилик палатаси депутатлари, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, мутасадди ташкилотлар вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

***Пойтахтимизда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига фуқароларнинг прописка қилиниши масалаларига бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Адлия ҳамда Ички ишлар вазирликлари ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда нотариуслар ва ички ишлар идораларининг хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш тизими масъул ходимлари иштирок этди.***

# ДОЛЗАРБ МАВЗУГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Нотариат, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш ва адвокатура бошқармаси бошлиғи Д.Ёқубова, Ички ишлар вазирлиги Хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари У.Тошмуҳамедов мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини изчил ҳимоялаш борасида барча зарур шарт-шароитлар яратилаётганини таъкидлади.

2011 йил 14 сентябрда қабул қилинган «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни доимий прописка масалаларининг ҳуқуқий ечимини мустаҳкамлашга замин яратди.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 22 сентябрда қабул қилинган «Тошкент шаҳри ва вилоятида паспорт тизими қоидаларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони мазкур қонун ижросини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. Фармонга кўра, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳокимликлари ҳузуридаги мазкур масалалар бўйича махсус комиссияларнинг фаолияти тугатилди. Эндиликда, доимий пропискага қўйиш масалалари бўйича ички ишлар органлари шуғулланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 февралда қабул қилинган «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарорида доимий прописка қилиш билан боғлиқ муносабатлар тизими янада такомиллаштирилди.

Семинар-тренингда мазкур қонун ҳужжатлари мазмун-моҳияти ва уларнинг ижросини таъминлашда эътибор қаратилиши зарур масалалар юзасидан батафсил маълумот берилди.

# ОЛАМНИ ЯШИЛЛИККА БУРКАЙЛИК

***Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги 23-Меҳрибонлик уйида «Оламни яшилликка буркайлик» мавзуида тадбир бўлиб ўтди.***

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, АҚШнинг мамлакатимиздаги элчихонаси, «Экомактаб» нодавлат нотижорат ташкилоти ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда тегишли давлат, жамоат, халқаро ташкилотлар вакиллари, ёшлар иштирок этди.

Мамлакатимизда улғайиб келаётган ёш авлоднинг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоялаш, уларга жаҳон андозалари даражасида таълим бериш, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни алоҳида муҳофазага олиш Президентимиз Ислом Каримов томонидан юритилаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг муҳим йўналишларидандир. Бу борада қабул қилинган давлат дастурларида белгиланган вазифалар ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани ёшлар камолотига хизмат қилмоқда.

23-Меҳрибонлик уйида 3-15 ёшгача бўлган бир юз ўн беш нафар ўғил-қиз тарбияланмоқда. Уларга юксак технологиялар асосида таълим-тарбия бериш, дарсдан бўш вақтини мазмунли ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Меҳрибонлик уйининг бир ярим гектарга яқин ҳудудни эгаллаган теварак-атрофи яшил майдонлар, боғ ва гулзорлар билан қопланган. Очиқ ва ёпиқ спорт иншоотлари, дам олиш майдончаларида тарбияланувчилар мунтазам спорт билан шуғулланиши, табиат қўйнида дам олиши учун барча қулайликлар муҳайё.

Ўғил-қизларнинг онгу шуурида табиатга эҳтиёткорона муносабат туйғусини шакллантириш таълим-тарбия ишларининг муҳим йўналишидир. Бу борада мазкур муассасада тегишли давлат, жамоат, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда турли маданий-маърифий, экологик тадбирлар, расмлар ва ижодий ишлар танлови ҳамда кўргазмаларини ўтказиш яхши анъанага айланган.

«Оламни яшилликка буркайлик» тадбири доирасида ёшлар ўртасида расмлар танлови ўтказилди, маданий дастур намойиш этилди. Боғдорчилик анъаналари, ҳайвонларни парваришлаш, экологик дизайн яратиш услублари ва рассомлик маҳорати бўйича машғулотлар ўтказилди. Меҳрибонлик уйига боғдорчилик воситалари, «Ўзбекистон қизил китоби» ва «Ўзбекистон табиати» фотоальбоми тақдим этилди.

**(ЎзА)**

**2012 йил — Мустаҳкам оила йили**

# ЁШЛАР ИЖОДИДА ҲАЁТ НАФАСИ

***Сўнгги йилларда мамлакатимизда санъатга, жумладан, унинг энг гўзал ва нафис тури бўлмиш тасвирий санъатга қаратилаётган эътибор йилдан йилга ортиб бораётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Шу маънода Ўзбекистон Бадиий академияси, «Ўзбекистон маданияти ва санъати» форуми жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси ташаббуси билан «Мустаҳкам оила йили»га бағишлаб ўтказилган «Тасвирий санъат ҳафталиги»ни ана шу юксак эътиборнинг ёрқин намунаси сифатида эътироф этиш мумкин.***



Аъло Абдуллаев (ЎзА) олган сурат

Ҳафталик илк бор 2004 йил ташкил этилган бўлиб, кейинги йилларда ушбу санъат анжуманининг маданий ҳаётимизда тутган ўрни мустаҳкамланиб, нуфузи ортиб бормоқда. Фестивални ўтказишдан кўзланган асосий мақсад, ранглар жилосига ошуфта бўлган ёшлар орасидан янги истеъдод вакилларини излаб топиш, уларнинг очилмаган қирраларини кашф этиш, дунёқарашини кенгайтириб, бадиий дидини ўстириш, тажрибали рассомлар маҳоратидан баҳраманд бўлишлари билан бир қаторда, ўз тенгдошлари билан ижодий тажриба алмашишлари учун замин ҳозирлаш, тасвирий санъат орқали уларнинг қалбида Ватанга муҳаббат, оилага садоқат ҳисларини камол топтиришдан иборат.

Тадбирда Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар зали ва унинг атрофидаги боғ-хиёбонлар тасвирий санъат ихлосмандлари билан тўлиб тошди. Фестиваль ёш, чегара танлагани йўқ, унда тажрибали рассомлар-у ёш «мўйқалам соҳиблари»дан тортиб, шу соҳага иштиёқи бўлган ҳаваскор ижодкорлар ҳам иштирок этди. Улар томонидан ишланган ва бевосита ижодий жараён давомида яратилаётган асарлар ҳар қандай инсонни бефарқ қолдирмайди. «Ҳафталик ҳақиқий санъат байрамига айланмоқда, — дейди санъатшунослик фанлари доктори Дилфуза Раҳматуллаева. — Ижодий кайфият юқори даражада, қолаверса, байрамона муҳит ҳукмрон. Қалблари ижод лаззатидан олам-олам сурур олаётган ёш рассомлар ўзлари ратаётган санъат асарлари орқали ўзгалар қалбини ҳам ҳаяжонга солиш иштиёқида яшаяпти. Ижодкорлар ўзларининг йил давомида яратган энг сара асарлари билан иштирок этаяпти, қолаверса, бу ерда ҳукм сураётган ижодий муҳит уларнинг илҳомига илҳом қўшаяпти. Ҳали сиёҳию лойи қуриб улгурмаган тасвирий санъат ёки ҳайкалтарошлик намуналарига кўзингиз тушса, ҳеч ҳам ажабланманг. Уларнинг барчаси, бир неча соатларда шу ерда кечаётган ижодий жараён давомида яратилаяпти. Фестиваль мавзуси «Мустаҳкам оила йили»га бағишланган. Шу сабабли, бугун барча ижодкорлар бир оила бўлиб ижод қилишяпти, десам хато бўлмайди.

Шунингдек, академиянинг Марказий кўргазмалар залида хориж рассомларининг шахсий кўргазмалари очилиши ва улар иштирокида маҳорат дарсларининг ташкил этилаётганлиги ёш рассомлар учун айни муддао бўлди.

Академия атрофидаги боғ-роғларда ҳам қизғин ижодий жараённи кўриш мумкин. Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти, Республика рассомлик коллежи ва ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатидан ташриф буюрган бир гуруҳ ёшлар томонидан ишланаётган асарларда уларнинг ҳаёт ва борлиқ ҳақидаги ўй-фикрлари, ёшлик ҳақидаги ёрқин таассуротлари ва мустаҳкам оила борасидаги гўзал тасаввурлари яширин. Республика рассомлик коллежи ўқувчиси Озода Озодованинг «Мустаҳкам оила йили»га бағишланган композицияси эътиборимизни тортди. — «Ушбу композициямда фарзанд кутиш арафасида турган эр ва аёлни тасвирладим», — дейди Озода. Уларнинг юзидаги самимият эса бўлажак фарзандларига бўлган юксак меҳридан далолатдир. Ота-онанинг фарзандга, фарзанднинг ота-онага бўлган муҳаббати оила мустаҳкамлигининг асосий омилидир. Қолаверса, бу ердаги ижодий муҳит, тенгдошларим томонидан яратилаётган асарлар мени янги ижод намуналари сари илҳомлантирмоқда. Шунингдек, мен тажрибали рассомлар билан танишиб, улардан тасвирий санъатнинг ҳали очилмаган қирраларини ўрганяпман. Очиғини айтганда, Озода билан учрашувимиз чоғида ёш ижодкорнинг теран тафаккури, бой фалсафийликка йўғрилган асарлари бизни лол қолдирди. Бутун вужуди билан ижод ҳисси сари талпинаётган бу қизнинг эртанги истиқболи порлоқ эканлигига ишончимиз комил.

Бино атрофини қуршаб олиб, чуғурлашиб расм чизаётган болакайларга кўзимиз тушди. Улар билан яқиндан танишиш истагида эдик. Кейин билсак, ана шу шўх-шодон болалар шунчаки ҳаваскор ижодкорлар эмас. Республика ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати ўқувчилари экан. Устозлари Пётр Овчинников раҳбарлигида улар буюк бобокалонимиз, шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур портретини қоғозга туширишмоқда.

Фестиваль доирасида шунингдек, миллий ҳунармандчилик асарлари ҳам намойиш этилди. А.Хўжаев номидаги республика дизайн коллежи ўқувчилари Маржона Жонтоева ва Маҳсума Носированинг «Самовий туш» деб номланган зардўзлик иши юқори дид ва кучли истеъдод соҳибаларининг бетакрор санъатини ўзида жамлаган. Хуллас, Тошкентда ана шундай санъат ва нафосат байрамининг шукуҳи кезди ва фестиваль давомида кўплаб ёш иқтидорлар кашф этилди.

**Шоҳруҳ АБДУРАСУЛОВ,**
**Жавлонбек ЖОВЛИЕВ,**
**Ўзбекистон Давлат санъат институти талабалари**

**Тошкент шаҳар ҳокимлигида**

# ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚОИДАЛАРИГА ҚАТЪИЙ РИОЯ ҚИЛАЙЛИК

## 1 майдан 31 майгача «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» ўтказилади

Тошкент шаҳри ҳудудида йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 апрелдаги фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлиги 2012 йил 1 майдан 31 майга қадар «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги»ни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Унга мувофиқ транспорт воситалари ва пиёдалар, жумладан, болалар ҳаракати серқатнов бўлган йўллар ва жойларни белгилаш, уларни кўрикдан ўтказиб, аниқланган камчиликлар юзасидан таклифларни тайёрлаш ва муаммоларни бартараф этиш транспорт воситаларининг техник тайёргарлигини яхшилаш, ҳайдовчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан шуғулланувчи ва бошқа таълим муассасаларида йўл ҳаракати қоидаларини ўқитиш ишларини янада яхшилаш чораларини кўриш кўзда тутилган. Шунингдек ойликни ўтказишга кенг жамоатчиликни жалб этиш, коллежлар академик лицейлар, мактаблар ва мактабгача таълим муассасаларида йўл ҳаракати қоидалари ўргатилишини назорат тартибида текшириб, уларни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар белгилаш каби ишлар ҳам амалга оширилади.

* * *

Куни кеча Тошкент шаҳар ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 апрелдаги «Ҳаракат хавфсизлиги ойлигини ўтказиш тўғрисида»ги фармойишига мувофиқ Тошкент шаҳар ҳокимлигининг 2012 йил 23 апрелдаги 339-сонли қарори ижросини таъминлашга бағишланган кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди.

Уни Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Раҳмонов олиб борди. Йиғилишда мутасадди корхона ва ташкилот раҳбарлари иштирок этди. Унда жорий йилнинг 1 майидан 31 майигача Тошкент шаҳрида Ҳаракат хавфсизлиги ойлигини уюшган ҳолда юқори савияда ўтказиш масалалари хусусида сўз борди.

Йиғилишда жамоат транспорти ва аҳоли кўп тўпланадиган жойларда «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» ҳақидаги реклама ёзувлари ва плакатлар жойлаштириш, туман ҳокимликлари ҳузурида «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги»ни ташкил этиш ва ўтказиш туман комиссиялари тузиш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга дахлдор барча ташкилотларнинг вазифалари кўрсатиб ўтилгани ҳолда ойликни самарали ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқиш, ИИББ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси билан биргаликда автомобиль йўллари ҳолатининг ҳаракат хавфсизлиги талабларига мувофиқлигини ўрганиш ва унинг натижалари бўйича тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, ҳар ўн кунда ойликнинг боришини муҳокама этиш ҳамда кенг жамоатчиликнинг ҳаракат хавфсизлигини таъминлашдаги иштирокига баҳо бериш, йўл ҳаракати қоидалари бўйича амалий машғулотлар ўтказиладиган болалар автошаҳарчаларини ҳомийлар ёрдамида барпо этиш юзасидан тегишли чоралар белгиланди.

Шу билан бир қаторда йиғилишда Тошкент шаҳар ИИББ, «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Тошкент шаҳар бўлими, Халқ таълими бош бошқармаси, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармасининг ўзаро ҳамкорликда маҳаллаларда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга қаратилган тадбирлар юзасидан тегишли чораларни амалга ошириши масалалари ҳам атрофлича кўриб чиқилди.

# СИФАТ — ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ МЕЗОНИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

«Ўзстандарт» агентлиги бош директорининг ўринбосари Азиз Йўлдошевнинг таъкидлашича, сифатни такомиллаштириш, иқтисодиётга чет эл капиталини жалб қилиш орқали мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш бўйича амалга оширилаётган сиёсат, шубҳасиз, товар ва хизматлар рақобатбардошлигини оширишда асосий омил ҳисобланади.

Тадбирда таниқли олимлар, Ўзбекистон Республикаси давлат бошқаруви органлари раҳбарлари ва мутахассислари, йирик саноат корхоналари ва ташкилотларнинг сифат бўйича менежерлари, кичик ва ўрта бизнес вакиллари, шунингдек, Россия, Қозоғистон, Япония, Канада, Венгрия, Финляндия, Германия, Сингапур, Туркия каби мамлакатлардан сифатни бошқариш соҳасининг етакчи экспертлари маъруза қилди.

Американинг «ASQ» сифат жамияти бошқаруви раиси Жеймс Руннинг айтишича, халқаро савдо ва ишлаб чиқариш алоқаларини ривожлантириш истеъмолчилар томонидан маҳсулот сифатига қўйиладиган талабларни оширмоқда. Бунинг учун халқаро сифат стандартлари ва уларга мос ҳужжатлар – дунёнинг турли давлатларида тан олинадиган сифат сертификатлари мавжуд бўлиши лозим.

Тадбирда Олмалиқ кон-металлургия комбинати, Гидрометеорология маркази (Ўзгидромет), «Евроснар» ва «Uztex-Chirchik» қўшма корхоналари масъулияти чекланган жамиятларига ISO 9000 сертификатлари топширилди.

**(ЎзА)**

